

## Кўргазмага калимаи шаҳодат зарб этилган тангалар қўйилди



11:20 / 25.10.2018 3455

Нима учун Англия қироли Расуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан юз йил ўтмай калимаи шаҳодат

????????? ????? ??? ??????? ??????? ?????????????

?????? ?????????????? ??????????? ?????????????????.

(«Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʻабдуҳу ва Росуулуҳ». “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва Расули эканига гувоҳлик бераман”), ёзувлари битилган тангаларни чиқарган?

Бу саволга жавобни Лондоннинг Британия кутубхонасида ўтказилаётган «Англо-саксон қиролликлари: санъат, сўз, уруш» номли кўргазмада билиб олишингиз мумкин, деб хабар бермоқда Daily Star нашри.

Кўргазмада Мерсия ва Англия ҳукмдори ва Англо-Саксония қироли Оффа VIII асрда зарб этишга буйруқ берган олтин танга намойиш этилмоқда.

Унинг тарихий аҳамияти шундаки, у ислом дунёсининг Европа билан азалий алоқалари мавжуд бўлганлигига яна бир далил ҳисобланади. 40 йил давомида ҳукмронлик қилган қирол Оффа ташқи сиёсатни ҳам жуда устамонлик билан бошқарган.

Унинг даврида зарб этилган Олтин манкус (Англо-Саксон олтин пенни тангаси – таҳр.) қиймати 30 кумуш пенс (Британия пул бирлиги – таҳр.)га тенг бўлган. Олтин манкуснинг хусусияти шундаки, у ҳижрий 157 йил (милодий 774 йил)га тааллуқли бўлган Аббосийлар сулосасидан Ал-Мансур халифанинг олтин динори нусхасидир. Унга зарб этилган араб ёзуви «Аллоҳдан ўзга Худо (илоҳ) йўқ ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Аллоҳнинг расулидир»ни англатади. Танга қиррасидаги ўйма нақшнинг давомида «Бошқа динлардан устун бўлган Ҳақиқат дини ва тўғри йўл-йўриқ билан юборган Аллоҳнинг расули – Муҳаммаддир» деб ёзилган. Ҳақиқий тангадан асосий фарқи – қиролнинг ўз исми Оффа Рекс тасвирланган тамғадир. Мерсия ҳумқдори қирол Оффа милодий 157 йил (мил. 774 йил)га тааллуқли Аббосийлар сулосасидан бўлган халифа Ал-Мансурнинг олтин динори нусхасини яратди. У бир томонида шаҳодат ва иккинчи томонида Оффа қироли номи акс этган деярли ўхшаш нусха эди.

Албатта, бунда инглиз қироли Оффа исломни қабул қилишга қарор қилган, деб бўлмайди. Бу шунчаки қиролнинг Яқин Шарқда ўз таъсирини кенгайтириш ва савдо алоқаларини мустаҳкамлаш учун қилинган муваффақиятли савдо топилмаси, айёрона ҳаракати эди. Бу танга англо-саксон савдогарларга ўша пайтдаги Европанинг энг даромадли бозорида савдо қилиш имконини берарди.

Энг қизиғи, тангаларни зарб этувчи усталарнинг араб ёзуви бўйича саводлари бўлмаган, шунинг учун унда кўплаб ноаниқликлар бор эди. Баъзи бир ёзувлар тескари ўгирилиб қўйилган эди. Боз устига "йил" сўзи ҳам арабчада хато билан ёзилганди.

Шунга қарамай, қирол Оффанинг тилла тангалари англо-саксонлар учун ўрта аср даврида мусулмонлар дунёси билан савдо ва маданий алоқаларни ўрнатиш қанчалик катта аҳамиятга эга бўлганлигини билдиради.

Кўргазма ўз ишини 2019 йилнинг 19 февралига қадар давом эттиради.

***Islom.uz* портали таҳририяти**